

Дуонинг қабули ва кушойишнинг бошланиши



16:39 / 30.12.2017 5338

Шунда Аллоҳ таоло у зотнинг ҳузурларига тоғ фариштасини юборди. У келиб, икки тоғни бир-бирига қўшиб юбориш ила аҳли Тоифни ҳалок қилишга изн сўради. Лекин Аллоҳ таоло томонидан оламларга раҳмат этиб юборилган зот бу ишга изн бермадилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам тоғ фариштасига:

«Уларнинг сулбидан Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қиладиган, Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайдиган кишилар чиқишини умид қилурман», дедилар.

Муҳаммад мустафо соллalloҳу алайҳи васалламни бундай ҳолда кўрган Утба ибн Робийа ва Шайба ибн Робийаларнинг раҳмлари келди. Ўзларининг Аддос исмли насроний ғуломларини чақириб:

«Узилган узумдан олиб, манави товоққа солгин-да, анави одамга олиб боргин. Ундан есин», дедилар.

Аддос узумни олиб келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдларига қўйди ва у зотга:

«Егин», деди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини узатиб, «Бисмиллаҳ», дедилар-да, узумдан олиб едилар. Аддос ажабланиб:

«Валлоҳи, ушбу диёр аҳли бу гапни айтмайдилар», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен қайси юртдансан? Қайси диндасан?» дедилар.

«Насронийман. Найнаводанман», деди у.

«Солиҳ киши Юнус ибн Муттонинг қишлоғиданмисан?» дедилар
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

«Юнус ибн Муттони қаердан биласан?» деди Аддос.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У биродарим. У Набий эди. Мен ҳам Набийман», дедилар.

Шунда Аддос ўзини отиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошлари, оёқ-қўлларидан ўпа бошлади. У мусулмон бўлди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)